

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШИРБАЧЕЕВА ГУЛЧЕХРА ШАКИРОВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Ped1147 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Ҳакимова Муҳаббат Файзиевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «19» 02 соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1474 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100085, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. 99871 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «7» 02 да тарқатилди.
(2022 йил «7» 02 да 66 рақамли реестр баённомаси)



М.Э. Ҳайдаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф

Б.Т. Исянов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, п.ф.н. доцент

Н.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
Семинар раиси, п.ф.д. профессор

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШИРБАЧЕЕВА ГУЛЧЕХРА ШАКИРОВНА

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Ped1147 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хакимова Муҳаббат Файзиевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100085, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. 99871 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Э.Ҳайдаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф

Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, п.ф.н. доцент

Н.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий
Семинар раиси, п.ф.д. профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида таълим ва мактабгача таълим ташкилотларида ишлаш учун профессионаллари тайёрлашга талаблар асосида таълим соҳасида инновацион ривожланиш тенденцияларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимини такомиллаштиришнинг креатив механизмлари жорий қилинмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2015 йилда ишлаб чиқилган барқарор ривожланиш мақсадларига асосан мактабгача таълимни ривожлантиришга қаратилган сифатли таълим хизматларини ташкил қилиш мактабгача таълим тизимининг интенсив янгилаш, таълим жараёнининг модернизация қилиш, педагогик ходимларга қўйилган талабларни объектив тарзда кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ташкилотлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш, таълим хизматлари сифатини яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, педагогларнинг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Германия, Россия, Франция, Жанубий Корея, АҚШ ва Японияда олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини янги технологиялар асосида ва моделлар ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда сўнги йилларда талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш, талабаларни маънавий-ахлоқий жисмонан баркамол этиб тарбиялашнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш”¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар олиб бориш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрь ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПФ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тадбирлари тўғрисида” фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бўлажак педагогларнинг педагогик маданиятини шакллантириш масалалари А.А. Абдуқодиров, Р.Б. Абдурахманова, Н.Н. Азизходжаева, Н.Э. Азимов, Н.Н. Алимов, Ю.М. Асадов, Н.М. Ахмедов, У.Ш. Бегимкулов, А.А. Бекназаров, Л.С. Бекназарова, Р.Х. Джураев, Б.Р. Джураева, А.А. Закиров, М. Капланов, М.У. Махкамов, Н.А. Муслимов, И.В. Панфёрова, Н.И. Тайлаков, У.К. Толипов, Ш.С. Шарипов, Н.М. Эгамбердиева, Х.Т. Исмаилова, Р.И. Хожамуратов, З.А. Холматовалар томонидан тадқиқ қилинган.

Талабалар – бўлажак педагогларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш Н.К. Анохина, Д.Б. Богоявлянская, Н.Ф. Вишнякова, С.А. Гулиева, А.Н. Дунаева, И.Ф. Исаев, Л.М. Ильязова, Н.Н. Николаенко, Ю.К. Памеранцева, С.А. Сысоева, А.В. Чумаковаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Касбий-педагогик қобилиятлар билан боғлиқ масалалар А. Роу, Э. Де Боно, Дж. Гилфорд, С.В. Гапиус, Г.Д. Демос, В.А. Кан-Калик, Е.П. Торранс, Э. Фром, А.Дж. Роу, А. Маслоу, Р. Стенберг, Т. Любард тадқиқотларида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923121 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг психологик, педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини такомиллаштириш;

олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш;

олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини кенгайтириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш жараёни танланиб, тажриба-синовда Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти, Қўқон давлат педагогика институти талабалари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим ташкилотлари Мактабгача таълим йўналиши талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш мазмуни, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда педагогик-психологик адабиётлар, олий таълим ташкилотлари ўқув ва таълим дастурларини таҳлил қилиш; педагогик кузатув, педагогик тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш; оммавий материал тўплаш (ўқитувчилар, талабалар билан сўровнома, тест ўтказиш), моделлаштириш, назарий таҳлил ва синтез, педагогик тажриба-синов, натижаларни миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиш, статистик қайта ишлаш, қиёсий таҳлил, аналитик шарҳлаш каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабалар касбий-педагогик маданиятини муваффақиятли шакллантиришга ёрдам берадиган ташқи ва ички педагогик шароитлар мажмуи мотивацион-когнитив, фаолиятли-ижодий ва ҳиссий-баҳолаш компонентларини эмоционаллик ва ақлий ёндашувлар ҳамда объектив ва субъектив таъсир даражасининг барқарорлигига босқичма-босқич мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш шахсга йўналтирилган педагогик жараён, таълимни инсонпарварлаштириш, субъект-субъект муносабатларини педагогик ўзаро манфаатли ҳамкорлик объектив ва субъектив омилларга синхрон мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш модели компетенциянинг таркибий қисмлари ва касбий аҳамиятли сифатлар характеринининг таълимий-дидактик имкониятларини рақамли касбий тажрибага ва миллий қадриятларга уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларининг касбий-педагогик маданиятини адекват баҳолаш мезонлари умумий, меҳнат ҳамда касбий маданиятни таълим ютуқлари мониторинги мувофиқлигини мотивацион компонентларга диагностик жараёнининг технологик имкониятларига интенсив трансформациялаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим ташкилотлари талабалари шахсининг ривожланишида касбий-педагогик маданиятнинг роли ҳақидаги тасаввурлар кенгайтирилган;

олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари йиғиндиси асосланган;

талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришда олий таълим ташкилотлари таълим жараёнининг имкониятлари очиб берилган;

олий таълим ташкилотлари Мактабгача таълим йўналиши талабаларининг бўлажак мактабгача таълим ташкилоти педагог ва раҳбарлари сифатида касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги вариатив ёндашув, расмий манбалардан олинган метод ва назарий материаллар, самарали тадқиқот методикаларининг қўллангани, тадқиқотнинг методологик базаси, математик статистиканинг замонавий методлари валидлиги ва ишончлилиги, тадқиқот натижалари ва ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллар ёрдамида исботлангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилингани, ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация тадқиқоти муаммосига оид адабиётларни назарий таҳлил йўли билан олинган материаллар олий таълим ташкилотлари Мактабгача таълим йўналиши, мактабгача таълим тизими педагог ва раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими ўқув жараёнида қўлланиши мумкинлиги билан белгиланади. Олий таълим ташкилотлари Мактабгача таълим йўналиши талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг такомиллаштирилган модели, ишлаб чиқилган методикалар, шунингдек, эксперт баҳолаш учун сўровномадан олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш бўйича тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улар олий таълим ташкилотлари Мактабгача таълим йўналишида талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича машғулотларни такомиллаштириш, мактабгача таълим тизими педагог ва раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида қўлланиши мумкин. Олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини баҳолашда аниқланган афзаллик ва чекланишлар, касбий-педагогик маданиятни шакллантириш ва ривожлантириш субъектига педагогик талаблар, таълим жараёнининг изланаётган хусусиятни шакллантириш ва ривожлантиришни такомиллаштириш бўйича технологик имконият ва педагогик захиралари, моҳиятига кўра, амалий тавсиялар бўлиб, уларни педагогик амалиётда қўллаш олий таълим ташкилотларида умуман ўқув-тарбия жараёнини жиддий яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш бўйича олинган натижалар асосида: талабалар касбий-педагогик маданиятини муваффақиятли шакллантиришга ёрдам берадиган ташқи ва ички педагогик шароитлар мажмуи мотивацион-когнитив, фаолиятли-ижодий ва ҳиссий-баҳолаш компонентларини эмоционаллик ва ақлий ёндашувлар ҳамда объектив ва субъектив таъсир даражасининг барқарорлигига босқичма-босқич мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида «Менеджмент и управление в дошкольном образовании» номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон қарори асосида берилган 110-12-сон нашр рухсатномаси). Натижада, олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш модели такомиллаштирилган;

касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш шахсга йўналтирилган педагогик жараён, таълимни инсонпарварлаштириш, субъект-субъект муносабатларини педагогик ўзаро манфаатли ҳамкорлик объектив ва субъектив омилларга синхрон мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 1 декабрдаги 02-07-3846/04-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг илмий-методик базасини кенгайтириш имкони яратилган;

касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш модели компетенциянинг таркибий қисмлари, касбий аҳамиятли сифатлар характерини ривожлантиришнинг таълимий-дидактик имкониятларини ва таълим жараёнларини рақамли касбий тажрибага миллий қадриятларни уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга таклифлар асосида «Менеджмент и управление в дошкольном образовании» номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон қарори асосида берилган 110-12-сон нашр рухсатномаси). Натижада, талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг самарадорлик даражасини ошириш имконини берган;

талабаларининг касбий-педагогик маданиятини адекват баҳолаш мезонлари умумий маданият, иш маданияти ҳамда касбий маданиятни диагностик жараённинг технологик имкониятлари ва таълим ютуқлари мониторингини мувофиқлигини мотивацион компонентларига интенсив трансформациялаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида «Менеджмент и управление в дошкольном образовании» номли ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-сон қарори асосида берилган 110-12-

сон нашр рухсатномаси). Натижада, талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика ҳамда 11 та халқаро илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 10 та (7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 143 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети таърифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг назарий асослари”**, деб номланган биринчи касбий-педагогик маданият тадқиқот предмети сифатида тақдим қилинган; олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг моҳияти ва тузилмаси ёритилган; олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш методлари келтирилган.

Илмий адабиётлар таҳлили кўрсатдики, касбий-педагогик маданиятни таърифлашда бир хиллик мавжуд эмас.

“Талабанинг касбий-педагогик маданияти” тушунчасини ўрганишда “маданият” – “касбий маданият” – “касбий-педагогик маданияти” тушунчаларининг умумий тур маъноларига мурожат қилинди.

“Маданият” тушунчаси талқинига турли ёндашувлар таҳлили муҳим вазифа сифатида белгиланди. Замонавий фанда мазкур тушунчанинг ягона таърифи мавжуд эмас, чунки маданият – кўп қиррали ҳодисадир.

Педагогик таълим соҳасида педагогик кадрларни тайёрлаш масалалари О.А.Абдулина, Н.Н. Азизходжаева, Э.А.Гришин, К.Зарипов, И.А.Зязюн, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, Ш.Э.Курбанов, В.А.Сластенин, А.Р.Ходжибаев ва бошқ. ишларида ўз аксини топган. Р.Х.Джураев, Н.А.Муслимов, А.Х.Махмудов, Ш.Е.Курбанов, Р.Г. Исянов, Е.А.Сейтхалилов, М.Б.Урабова, Б.Х.Ходжаев каби республикамиз педагог-олимлари маънавий,

касбиймаданият, таълимнинг тарихий, ижтимоий-маданий, касбий-фаол жихатларига асосланган компетентциявий ёндашув масалаларини ўрганган.

Х.Абдукаримов, М.Ачилов, А.В.Барабаншчиков, Т.Ф.Белоусова, Е.В.Бондаревская, А.В.Гаврилин, Э.Г.Гришин, В.А.Загвязинский, И.А.Зязюн, С.С.Муцинов ва бошқ. ишларида педагогик маданиятнинг шахснинг йўналганлиги ва унинг касбий-ахлоқий сифатлари каби жихатлари ёритилган.

Н.Э.Азимов, М.М.Ахмеджанов, М.Е.Джумаев, Б.Р.Жураева, Д.С.Икрамова, М.У.Махкамов, Р.И. Хожамуратов, Н.М.Эгамбердиева, Х.Т.Исмаилов, З.А.Холматова, И.В.Панферова каби Ўзбекистонлик олимларнинг олий таълим ташкилотларида касбий тайёргарлик жараёнида шахс маданиятини шакллантиришнинг турли жихатлари ҳақидаги фикрларига кўшиламиз.

Талабанинг касбий-педагогик маданиятини ошириш зарурати олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг умуммаданий ва махсус тайёргарлик даражаси; бўлажак мутахассисларнинг меҳнат бозорига мустаҳкам шаклланган доимий ўзига ўзи таълим бериш ва ўзини ўзи реализациялашга эҳтиёжлар билан профессионал даражада ва компетентликка эга ҳолда киришига талабларнинг ортиб бориши билан белгиланади.

Р.Х.Джураевнинг ишларида таъкидланишича, касбий тайёрлаш тизими каби яхлит таълим тизими учун ҳам умумий бўлган қатор омиллар борки, улар тизимни қайта қуришни объектив заруратга айлантиради. Биринчидан, бу таълимнинг моҳияти ва мақсадини қайта англашга олиб келадиган жамиятдаги кескин ўзгаришлар. Иккинчидан, таълим тизимида кейинги ўн йилликларда йиғилиб қолган демормацияларни бартараф қилиш зарурати. Учинчидан, фан-техника тараққиётининг ютуқлари – ишлаб чиқаришнинг компьютерлаштирилиши, маҳсулот ва хизматларнинг янги турли ўзлаштирилиши, булар ишлаб чиқариш жараёнларини тубдан ўзгартириш баробарида корхоналар ходимларининг умумий ва касбий тайёргарлигига тобора юқори талаблар қўймоқда.

Касбий-педагогик маданият педагогнинг шахсий ривожланиши, норматив фаолият доирасидан чиқиши, кадриятларни яратиш ва узатиш қобилиятини таъминлайди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда маданиятни ўрганишда учта йўналиш шаклланган бўлиб, у: моддий ва маънавий кадриятлар йиғиндиси (аксиологик концепция); инсон фаолиятининг ўзига хос усули (фаолиятли концепция) ва шахснинг моҳиятан кучларини ижодий ўзида ўзи реализациялаш жараёни (эвристик концепция) сифатида қаралади.

Олимларнинг фикрича, педагогик маданият педагог шахсининг моҳиятига оид тавсиф бўлиб, қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: педагогик позиция (нуқтаи назар) ва касбий-шахсий сифатлар; юқори даражадаги касбий билимлар ва касбий фикрлаш маданияти; касбий-педагогик малакалар ва педагогик фаолиятнинг ижодий характери; хулқ-атвор, мулоқот маданияти, шахснинг ўзини ўзи бошқариш қобилияти.

Шунингдек, биз Ю.К.Помиранцеванинг ҳам таърифини қабул қилдик, олиманинг фикрича, олий таълим ташкилотларининг таълимий-рефлексив муҳитида талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш учун

таълим олувчиларни шунчаки билим, кўникма ва малакалар билан куроллантириш ва ижодий ўқув-билиш фаолиятига жалб қилиш эмас, балки шахснинг даврийлик билан рефлексив позицияга “чиқиши”, ўз фаолиятини англаши талаб этилади.

Касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш муаммосининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб, касбий-педагогик маданиятни ривожлантиришга таъсир қиладиган қатор педагогик шарт-шароит ва омиллар аниқланди.

Олиб борилган педагогик кадрлар касбий фаолияти таҳлили шартли равишда олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятининг аксиологик, мотивацион, когнитив, фаолиятли, ижодий, шахсий ва ҳиссий-баҳолаш қомпонентларини фарқлаш имконини берди (1-жадвал).

1-жадвал. Педагогнинг касбий-педагогик маданияти қомпонентлари

Педагогнинг касбий-педагогик маданияти қомпонентлари						
Аксиологик қомпонент	Мотивацион қомпонент	Когнитив қомпонент	Фаолиятли қомпонент	Ижодий қомпонент	Шахсий қомпонент	Ҳиссий-баҳолаш қомпоненти
Педагогик кадрлар: инсоний, маънавий, амалий, шахсий	Кейинги ижтимоийлашишга эҳтиёж, педагог-тарбиячи сифатида ўзини ўзи реализациялаш истаги	Педагогик фаолият моҳиятини билиш. Шахсий, фаолият, интеллектуал, коммуникатив рефлексия усулларини билиш	Педагогик технология, ўқув-методик фаолият, ташкилий-методик фаолият, тарбиявий фаолият, илмий-тадқиқотчилик фаолияти	Методик ижод, ижодкорлик, коммуникатив ижод, ижодий ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи ижодий реализациялаш	Ахлоқий-шахсий сифатлар, табиий иқтидор билан боғлиқ шахсий-педагогик сифатлар, касбий шахсий сифатлар	Ҳиссий кўнгилчанлик, фаолиятда стереотиплардан қочиш қобилиятидан қониқиш ҳисси

Олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини самарали ривожлантиришни таъминлайдиган омиллар қаторига: субъектив (инсоннинг индивидуал қобилиятлари; унинг психик-физиологик хусусиятлари; генетик хусусиятлари, иқтидори, қобилиятлари, касбий ва шахсий тавсифлари, амалий ҳаётий тажрибаси, маълумот ва малака даражаси, касбий маҳорати, маънавий маданиятни ўзлаштирганлиги, онгининг ривожланганлиги) ва объектив омиллар (ташқи таъсирлар) киритилди.

Бу барча омиллар ва педагогик шарт-шароитлардан моҳирлик билан фойдаланиш педагогика олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш тизимини ташкил қилишнинг асосларидан бири ҳисобланади. Олий таълим ташкилотлари ўқув дастурлари ва

фаолият тажрибаси таҳлили кўрсатдики, мазкур муаммонинг долзарб бўлишига қарамай, айниқса талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмай келинмоқда.

Таклиф қилинган ташкилий-педагогик шарт-шароитлар йиғиндисини Мактабгача таълим йўналиши талабаларининг касбий-педагогик маданиятини шакллантиришнинг методик асосларининг маълум, нисбатан мустакил даражаси сифатида ифодалаш мумкин.

Бу даража, аввалгисидан (лойиха-модель даражасидан) фарқли ўлароқ, яққол аниқ-методик йўналганликка эга ва шу сабабли (олий таълим ташкилотларида ўқитувчи томонидан) мактабгача таълим тизими доирасида талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини шакллантириш бўйича ўзининг методик тизимини ишлаб чиқишда бошланғич нуқта сифатида амалга оширилиши мумкин.

Диссертацияда касбий-педагогик маданият – шахсий ва касбий сифатларга асосланган, педагог фаолиятининг ҳар хил турларида интериоризацияланган, функционал-лойихалаштирилган умумий маданиятни етказадиган мураккаб тузилмали, тўрт компонентли, тизимли ҳодиса сифатида талқин этилди. Шунингдек, касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш омиллари ва педагогик шарт-шароитлари аниқланди, касбий таълим муассасаларининг ўқув дастурлари ва фаолият тажрибаси таҳлил қилинди. Олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг асосий воситаси яхлит педагогик тизим бўлиши лозим. Шу билан бирга, фикримизча, диссертацион тадқиқотимиз доирасида олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ўрганиш ва ривожлантириш учун педагогик фаолиятнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ташхислаш, шакллантириш ва ривожлантириш имконини берадиган махсус воситалар (инструментарий) ва дастур ишлаб чиқиш лозимлиги ойдинлаштирилди.

Диссертациянинг **“Олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришни ўрганишнинг хусусиятлари”** деб номланган иккинчи бобида олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг аҳамияти ёритилган; олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданияти ривожланганлигини баҳолаш мезонлари такомиллаштирилган; олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш технологияси такомиллаштирилган.

Фалсафий, педагогик-психологик адабиётлар таҳлили педагог фаолиятига шахсий-касбий тайёргарлик моҳияти ва мазмунини назарий жиҳатдан асослаш имконини берди. Мазкур тузилма тавсифлайдиган белгиларнинг йиғиндиси нафақат билимлар, маълум малакалар эмас, балки шахснинг шу фаолиятга муносабати, қизиқиши, зарур касбий муҳим сифатларидан иборат экани сабабли шахсий-касбий тайёрликни мотивацияли-қадриятли, когнитив-

иродавий ва операционал-ҳаракатли компонентларнинг бирлигини ўзида акс эттирадиган интегратив тузилма сифатида баҳоланди.

Таҳлил қилинаётган тузилма мазмуни ва моҳиятининг мураккаблиги тахмин қилиш имконини берадики, уни шакллантириш жараёни талабаларнинг педагог фаолиятига тайёрлигининг юқори даражасига эришишнинг адекват шароитларини талаб этади. Шу сабабли ишнинг кейинги қисми педагогларни тайёрлаш шарт-шароитларини назарий жиҳатдан асослашга бағишланди.

Тадқиқот кўрсатдики, олий педагогик таълимнинг замонавий тизими битирувчиларнинг педагогик фаолиятга ижобий мотивацияланганлигини шакллантиришга етарли даражада йўналтирилмаган. Бунинг асосий сабаби умумий ва касбий йўналганликдаги турли ўқув курсларининг турлилиги ва турлича пландалиги педагогик касбнинг ўзининг асосларини интегратив кўришни рағбатламайди, мазкур мутахассислик талабалари онгида унинг образини ҳосил қилмайди.

Олимларнинг тадқиқотларини ўрганиб, талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантиришнинг тўртта моделини кўриб чиқдик ва уларнинг энг муҳим элементларини муаллифлик моделимизга жорий қилишга уриндик.

Чунончи, А.В.Чумакованинг “Педагогика олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш” (Развитие профессионально-педагогической культуры студентов педвузов) мавзусидаги ишини кўриб чиқиб, унинг моделини ўз моделимиз учун пойдевор сифатида қабул қилдик, яъни асосий белгиловчи хусусиятларини асос қилиб олдик.

Кейинроқ Ю.К.Помиранцеванинг “Жисмоний тарбия олий таълим ташкилотларининг таълимий-рефлексив муҳитида талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш” (Развитие профессионально-педагогической культуры студентов в образовательно-рефлексивной среде физкультурных высших образовательных организаций) номли иши билан танишиб, тадқиқотда қилинган таклиф функционал-мазмунли моделни ўрганиб, ўз моделимиз учун касбий-педагогик маданият компонентларини ажратиб олдик: педагогик мулоқот маданияти, хулқ-атвор ва нутқ маданияти, педагогик ҳислар маданияти, касбий-рефлексив маданият, касбий-педагогик фикрлаш маданияти. Буларнинг ҳаммаси муаллифлик моделимизда касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш компонентлари сифатида тақдим қилинди.

Шунингдек, ўрганилган В.Ф.Исаевнинг “Ўқитувчининг касбий-педагогик маданияти” (Профессионально-педагогическая культура преподавателя) мавзусидаги иши талабанинг ўқитувчи бўлиб тикланишида истикболли вектор сифатида намоён бўлди, муаллиф ўз моделида педагогик маданиятнинг жуда қизиқ мезон ва даражаларини таклиф қилганки, улар узвий ўзаро таъсир (ҳамкорлик) қилиб, ўқитувчининг касбий-педагогик маданияти яхлит динамик тизимини ҳосил қилади. Бу мезонлар ҳам муаллифлик моделимизда жорий қилинди.

Тадқиқотимиз учун танланган яна бир иш Л.М.Ильязованинг “Олий таълим ташкилотларининг рефлексив-таълимий муҳитида талабаларининг касбий-педагогик маданиятини шакллантириш” номли иши бўлди, унда таклиф

қилинган тузилмавий-функционал моделдан 4 та асосий (мотивацион, когнитив, фаолиятли ва ҳиссий-баҳолаш) компонентлари олинди.

Талаба – бўлажак педагог шахсининг касбий маданияти асосий кўрсаткичлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилди: шахснинг касбга йўналганлиги; шахснинг касбга тайёрлиги; шахснинг касбда барқарорлиги. Биз таклиф қилаётган методика педагогик мутахассислик бўйича ҳар бир талабанинг педагогик йўналганлиги ва педагогик касбни эгаллашга тайёрлигини юқори даражада объективлик билан баҳолаш, касбий аҳамиятли қирраларини аниқлаш ва унинг келгуси педагогик фаолиятда муваффақиятини прогнозлаш (башорат қилиш) имконини беради.

Талаба шахсининг педагогик фаолиятга касбий тайёргарлигини ўрганишда касбдан қониқиш коэффицентини аниқладик, унинг корректлиги кўп сонли педагогик-психологик тадқиқотларда ўз тасдиғини топган. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш Мактабгача таълим факультети 1 ва 2-курс талабалари касбий-педагогик йўналганлигининг паст даражаси кўпроқ кузатилганини таъкидлаш учун асос бўлди. Тадқиқот кўрсатдики, касбий-педагогик йўналганлик даражаси юқори бўлган гуруҳларда касбий-педагогик барқарорлик даражаси ортиши кузатилди. Бу маълумотлар биз таъкидлаган касбий-педагогик йўналганлик билан касбий-педагогик барқарорлик даражаси ўсиши ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини тасдиқлади. Айниқса бу тезис назорат ва тажриба гуруҳлари натижалари таҳлилида ёрқин тасдиғини топди.

Турли курсларда ўқиётган талабаларнинг педагогик барқарорлик даражаси таҳлили таъкидлашга имкон берадики, назорат гуруҳларида бу кўрсаткич талаба курсдан курсга ўтиши билан маълум даражада ўсди. Хусусан, 1-курсада бу кўрсаткич (гуруҳга боғлиқ ҳолда) 0,15 дан 0,30 гачани ташкил қилган бўлса, и-2-курсага келиб, 0,25 дан 0,50 гача (ҳар бир гуруҳ учун мос равишда) вариациялади, 3-курсада эса талабалар – бўлажак педагогларнинг педагогик барқарорлиги 0,33 дан 0,60 гачани ташкил этди. Бизнингча, бу каби ўсиш асосан олий таълим муассасасида ўқиш, жумладан, турли курсларда педагогик амалиёт ўташ вақтида талабаларда ижтимоий ролнинг ўзгариши, ҳаётий ва касбий режалар шаклланиши, интилишлар даражаси ўзгариши ва умуман кейинги ҳаёт стратегияси ўзгариши билан боғлиқ маълум ижтимоий интеллект шаклланиши билан белгиланади. Иккинчи курсдаёқ талабаларнинг қарийб 15%и педагогик мотивацияга эга, уларнинг 89%и “аъло” ва “яхши” баҳоларга ўзлаштирувчи талабалар экани қонуниятли ҳолатдир.

Тадқиқот талабалар шахсининг касбий йўналганлиги динамикаси уларнинг академик ўзлаштириши билан боғлиқ эканини кўрсатди. “Яхши” ва “аъло” баҳоларга ўқийдиган 2-3-курс талабаларининг касбга йўналганлиги 0,70 дан 0,95 гача экани кузатилди, қачонки “қониқарли” ўзлаштирадиган талабаларнинг педагогик йўналганлик кўрсаткичи 0,45 дан ошмайди. Педагогик йўналганлик даражасининг нечанчи курсда ўқишига кўра намоён бўлиш хусусияти қизиқарли. Бу кўрсаткич намоён бўлишининг энг баланд нуктаси 2-3-курсларга тўғри келади (0,55-0,75), 1 ва 2-курс талабаларининг кўрсаткичлари қиймати пастроқ (0,35-0,55). Бу, кўринишидан, педагогик-психологик туркум ўқув

фанларининг асосий қисми, шунингдек, талабаларнинг кейинги педагогик амалиётни ўташга тайёргарлик кўриши айнан шу ўқув даврига тўғри келиши билан боғлиқ.

Мактабгача таълим факультети талабалари – бўлажак мактабгача таълим ташкилотлари педагоглари билан тажриба-синов ишида қуйидаги иш шакллари ва методлари фаол қўлланди: мунозара методи, касбий-сензитив тренинг, ўйин вазиятини яратиш методқ, булар касбий-коммуникатив маданиятни сезиларли даражада ошириш, касбий йўналганлик ва касбий барқарорликни юқори даражада шакллантириш имконини берди. Бу шаклларнинг қўлланиши касбий барқарорлик кўрсаткичини 0,25 ва касбга тайёрлик кўрсаткичини 0,15 га кўтариш имконини берди.

Турли курсларда педагогик амалиёт ўташнинг характерли хусусияти педагогик меҳнатдан қониқишнинг турли кўрсаткичлари саналади. 2-курс талабалари учун бу кўрсаткич коэффициенти 0,09-0,13, 3-курс талабаларида эса 0,20-0,25 доирасида бўлди.

Шундай қилиб, талабалар – бўлажак педагоглари тайёрлаш тизимида касбий-педагогик маданият мақсадли шакллантирилганда педагогик меҳнатдан қониқиш даражаси индекси ортади.

Диссертацион тадқиқотимиз доирасида талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини баҳолашнинг адекват мезонларини аниқлаш учун эксперт баҳолаш ўтказилди. Эксперт баҳолаш объективлиги (холислиги)ни таъминлаш учун экспертлар сифатида Тошкент давлат педагогика университети, Жиззах давлат педагогика институти ва Қўқон давлат педагогика институти талабалари жалб қилинди.

Эксперт баҳолаш процедурасини ўтказишни стандартлаштириш учун махсус сўровнома ишлаб чиқилди, унинг асосини тадқиқотимизнинг биринчи боби доирасида қилинган назарий хулосалар бўйича шакллантирилган тегишли қисқача талқини билан келтирилган тавсифлар ташкил этди. Шундай қилиб, педагогик кадрлар касбий фаолиятининг талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш жиҳатидан ўзига хосликлари таҳлили олий таълим тизимида педагогик кадрларнинг креатив салоҳияти аҳамиятли таркибий қисмларини (мезон) аниқлашга қаратилган бир неча қисқа тавсифларни шакллантиришимиз учун имкон берди. Мазкур тавсифларни ишлаб чиқиш олдинроқ назарий жиҳатдан аниқланган талабалар касбий-педагогик маданиятининг ўнта: мотивацион; муаммоли-ҳиссий; ахборотли; фикрлаш; ўзи учун етарлилик; коммуникатив; альтруистик; таҳлилий; конструктив; инновацион таркибий қисми асосида амалга оширилди.

Тадқиқотимиз доирасида касбий-педагогик маданиятни ривожлантиришнинг йўллари ва усуллари тақдим этилди, улар талабаларни фаолиятнинг ҳар хил турларида фаол иштирок қилиш, ўзини ўзи такомиллаштириш тажрибасини эгаллаш, ролли ва ташкилий-фаолиятли ўйинларда иштирок, муаммони кўра билиш, шакллантириш ва ҳал қилиш йўллари топиш малакасини жалб этиш орқали амалга оширилди. Шунингдек, талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш педагогик тизимини куришнинг асосий тамойиллари ўрганилди, талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш модели, касбий-педагогик маданиятни

ривожлантириш босқичлари, уни ривожлантириш ва жорий қилиш даражаларини аниқлаш учун диагностик инструментарий такомиллаштирилди.

Таклиф қилинган педагогик тизим касбий-педагогик маданиятни шакллантиришнинг бошланғич асоси ва олий босқичи сифатида гавдаланадиган мажмуавийлик; касбий-педагогик маданиятни тиклаш ва ривожлантириш жараёнини яхлит ҳолатгача кўриш имконини берадиган узвийлик; таълим олувчиларнинг турли гуруҳлари индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга йўналтирилган индивидуал-табақалаштирилган; фанлараро алоқадорликни амалга оширишга кўмаклашадиган фанлараро ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро айирбошлаш учун очиклик; ўқув фаолиятининг кенгайтирилиши ва вариативлиги, турли технологияларни жорий қилиш учун очиклик; ташқаридан босим ўтказмасдан касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш йўллари аниқлаш имконини берадиган эркин танлов; натижаларни ижобийгача етказиш билан касбий-педагогик маданиятни ривожлантиришнинг илгари сурилган мақсадларини амалга ошириш; талабалар шахсини ўзини ўзи ривожлантиришга йўналганлик каби принципларга асосланган яхлит, вариатив, динамик ва очик тизимни ўзида акс эттиради.

Касбий-педагогик маданиятни ривожлантириш жараёни мазмунини блоклар бўйича тақсимланган ўқув фанлари, пассив ва фаол амалиёт, шунингдек, талабалар касбий тўғараги иши орқали гавдалантириш мумкин.

Касбий-педагогик маданиятни ривожлантиришга бевосита таъсир кўрсатадиган асосий таркибий қисмлар таклиф қилинди. Булар:

1-курс – талабаларнинг мослашув даври, “педагогик касбга кириш”, “Мактабгача педагогика” махсус фанларига оид билимларни ўзлаштириш.

2-курс – пассив амалиёт ўташ, бунда “Болалар физиологияси” фанидан эгалланган билимлар талабалар мактабгача таълим ташкилотлари таълим жараёнини кузатади, болаларнинг ёшга оид хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда улар билан тарбиявий иш олиб борилади, мактабгача ёшдаги болалар таълим ва тарбияси билан боғлиқ жараёнларни ўрганиш, “Мактабгача таълим ташкилотларида бошқарувга тайёргарлик” талабалар касбий тўғараги иши, бунда бир неча мавзу ва тренинг мактабгача таълим ташкилотлари педагог ва раҳбарларининг касбий-педагогик маданиятига бағишланади.

3-курс – фаол-таълим тизининг энг муҳим босқичи бўлган малакавий амалиётни ўташ. Ўқитишни малакавий амалиёт билан бирлаштириш университет фаолиятининг асосий принципи бўлиб, амалиётда вазифаларни ҳал қилиш учун мақбул шароитлар яратади. Шунингдек, “Мактабгача таълимда менежмент ва бошқарув” фани бўйича билимларни ўзлаштириш.

Амалиёт ўташ даврида мактабгача таълим тизими педагог ва раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиси ва психологи, олий таълим ташкилотлари Мактабгача таълим йўналиши педагоги ёрдамида ўқув-тарбия жараёнининг турли томонларини кузатади, таҳлил қилади, гуруҳларда олиб бориладиган ўқув-тарбия ишлари режасини, уларни ўтказишни ўргатади. Амалиётнинг бу тури олий таълим ташкилотларида талабаларни мактабгача таълим ташкилотида ишлашга назарий ва амалий тайёрлашнинг зарур бўғини ва яқунловчи босқичи ҳисобланади. Чунки

педагогик амалиёт жараёнида талабалар тарбиячи касбининг ўзига хосликларини, касбга муҳаббатни, унинг афзалликлари ва унга боғланганлик даражаси, ўз қобилиятлари, шу ишга берилганлигини англаб етади, шунингдек, болалар, уларнинг ота-оналари ва жамоа билан ишлаганда касбий-педагогик маданият заруратига дуч келади,

Тадқиқотда такомиллаштирилган олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш модели яхлит, вариатив, динамик ва очиқ тизим бўлиб, унда унда талабаларнинг касбий-педагогик маданиятини ривожлантириш бўйича педагогик фаолият жамлик, узвийлик, қўшимчалик, таълимда фанлараро алоқадорлик, талаба шахсининг ўзини ўзи ривожлантиришига йўналганлик принциплари ва индивидуал табақалаштирилган ёндашувга таянилганда самарали бўлади.

Маданиятни тизимли тушуниш, унинг тузилмавий ва функционал компонентларини (таркибий қисмларини) ажратишдан келиб чиққан ҳолда касбий-педагогик маданиятнинг ўзига хосликлари мезонларни қуйидаги талаблар билан тўлдиради: мезонлар қатор сифат белгилари орқали ёритилиши керакки, уларнинг намоён бўлиш даражасига кўра бу мезоннинг у ёки бу даражада ифодалангани ҳақида фикр юритиш мумкин бўлсин; мезонлар ўлчанаётган сифатнинг вақт ва маданий-педагогик макондаги динамикасини акс эттириши лозим; мезонлар педагогик фаолиятнинг асосий турларини қамраб олиши керак.

Умумлаштирилган фактик материал мезон ва кўрсаткичларнинг намоён бўлиш даражасига боғлиқликда (модель) талабаларнинг касбий-педагогик маданияти шаклланганлигининг учта даражасини фарқлаш имконини берди.

Биринчи даража – адаптивлик (мослашувчанлик) – талабаларнинг олий таълим ташкилотлари 1-курсида ўқиш даври, бунда нафақат билимларни мустақил ўзлаштиришга мослашиш, балки “Мутахассисликка кириш” фани доирасида педагог касби билан танишиш жараёни рўй беради.


Иккинчи даража – йўлни танлаш – репродуктив, у талабаларнинг 4-семестрда 10 ҳафталик таништириш (пассив) амалиётга чиқиш давридан бошланади, “Мактабгача педагогика” фанини ўзлаштириш, “Мактабгача таълим ташкилотларида раҳбарликка тайёргарлик” мавзусида касбий тўғарак ишини жорий қилиш билан кечади.

Учинчи даража – фаол яратувчанлик, бунда талабалар 6-семестрда 12 ҳафталик мактабгача таълим ташкилотида (фаол) малакавий педагогик амалиёт ўтайди, “Мактабгача таълим ташкилотларида менежмент ва бошқарув” фанига оид билимларни ўзлаштиради.

Касбий-педагогик маданият ҳақидаги тизимли ва яхлит тасаввур, моделнинг ишлаб чиқилиши, ҳаётий тажриба ва педагогик фаолиятни кузатиш олий таълим ташкилотлари талабаларининг касбий-педагогик маданиятини самарали ривожлантиришга кўмаклашадиган қуйидаги шарт-шароитларни аниқлаш имконини берди.

